

2022 йил "4" октябрь

Андижон шаҳри

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти обьектларини куриш бўйича инжиниинг компанияси" ДУК Андижон вилояти худудий филиали раҳбари А.Мирзабоев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "РЕАЛ АСС" МЧЖ номидан Низом асосида директори Б.Мусаходжаев иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. Тарифлар

### 1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

**"ижро ҳужжатлари"**: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар

**"курилиш майдони"**: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланган бошка белгилаб кўйилади.

**"вақтинчалик ишлар"**: Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар"**: - сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**шартномани нархини бўлиб чиқиши**: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича обьектни умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

## II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик шартнома бўйича **Андижон вилояти Андижон шаҳар "Проспект кўчаси 78-80" уйга стрит-арт услувида расм чизиши ишларига"** обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг карори (2022 йил лот раками "154477" электрон баённомаси) билан тасдикланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан 95 500 000 (тўксон беш миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажкор) холати сабаб бўлгандан;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул килиш тусириш омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;

- курилиш таваккалчилигини сугурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўгрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий курилишда техник назорат ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига 2 иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VI. Ишларни бажариш муддати**

Ишларнинг бошланиши 2022 йил 4 октябрь, тугатилиши 2022 йил 31 декабрь.

Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 28 680 000 (йигирма саккиз миллион олти юз саксон минг) сўм ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (2-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 50 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий кийматининг колган 50 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб курилиш тугаллангандан кейин ва объект кабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда кабул килингандан кейин икки боскичда;

объект кабул комиссияси томонидан кабул килинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар кийматининг камида 45 фоизи микдорида;

мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан кейин - ишлар кийматининг 5 фоиз молиялаштириш амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида саклаб колади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 25 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишларни жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини курилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Курилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортиқча тупроқ ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни бояглаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нұқталарында, линиялар даражаларға нисбатан объектнинг түгри ва зарур тарзда белгиләниши, шунингдек баландлық белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги түгри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларидаги хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларидаги ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Курилиш майдонидаги ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұқталаридаги янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларидаги кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва курилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор киласди.

33. Кабул килинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг курилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларидаги беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар ёпилган ишлар далолатномасида Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик ёпилган ишлар далолатномасининг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир кильмайдиган иш хужжатларидан четга чишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар хисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларидаги аҳамиятга эга бўлган холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар бориши, хизматлар кўреатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс этирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён киласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зинмасига олади.

## IX. Ишларини кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллагунича ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар курилиш техникиси ва бошка мол-мулк зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулклар объект қабул килиб олингандан кейин саёланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор килинишини талаб килишга ҳақлидир.

## XI. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш

44. Курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибида мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул килиб олиш бошланишидан 5 (беш) кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари хамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларидан кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига хамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф килинишини;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул

килиб олиш тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камиде 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга кадар фойдаланишини давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чикиш курилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига бөглиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айни билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган холда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига бөглиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим кондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### XV. Томонларнин мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молияштирганинги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганинги учун Буюртмачи Пудратчига кечиқтирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенининг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод этилмайди.

60. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенининг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва кондаларига, ишчи хужжатларига мувофик бўлмаса у холда Буюртмачи курилишда Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида Пудратчидан жарима ундириш хукукига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни хал этиш тартиби

64. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда Андикон туманлараро иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

66. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкири, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳакиқий хисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечиқтиришга ҳаклидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари кўлланилади.


71. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади.

72. Мазкур шартнома вилоят газначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради

### XVII. Томонларининг банк реквизитлари ва юридик манзилари

#### “БУЮРТМАЧИ”

Номи: “Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирилаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Андижон вилояти худудий филиали Андижон шахар, Ломоносов кўчаси 2-уй Ш/Х 100021860034017069902110045  
ИИН : 307 905 093  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Фазначилиги  
Банк:МБ ББ ХККМ Тошкент  
Х/Р 23402000300100001010  
МФО: 00014  
ИИН : 201122919  
Индекс:170132

Бошлиқ:  А.Мирзабоев

Хукукшунос: \_\_\_\_\_


**YURIDIK XULOSA**  
 O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI "XO'JALIK YURITUVCHI  
 SUBYEKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIV HUQUQIY  
 BAZASI" TO'G'RI SIDAGI QONUNNING 21-MODDASIGA  
 BINOAN USHBU SHARTNOMA HUQUQIY EKSPERTIZADAN OTKAZILDI.  
 MAZKUR SHARTNOMA AMALDAGI QONUNCHILIK  
 HUJJATLARI TALABLIGA MUVOFIO TUZILGAN.

YURIST:

20\_ уй

#### “ПУДРАТЧИ”

Номи: “Real ACC” МЧЖ  
 Манзили: Тошкент вилояти Ангрен шахри  
 Истикбол кўчаси 51-уй  
 Банк номи: Узсаноаткурилишбанк АТБ  
 Андижон минакавий  
 Х/Р: 20208000000897985001  
 МФО: 00075  
 ИИН: 305635305  
 ОКНХ: 61110  
 Тел: 889752717  
 Индекс:

Рахбар:  Б.Мусаходжаев

